



2-ТОМ, 11-СОН

ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

Мингбаев Рахим Хужаевич

Жиззах давлат

педагогика университети тадқиқотчиси;

Аннотация: Ушбу мақолада давлат қурилиши, фуқаролик жамияти барпо этишнинг зарурий шарти бўлган экологик хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ушбу жараёнда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлигини таъминлаш масаласи ёритиб берилган. Шунингдек, гуманизм, “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларини инсонийлаштириш ва толерантлаштириш масалалари ёритилган.

Калит сўз: фан, таълим, ишлаб чиқариш, экология, экологик муносабат, глобал муаммо, уйғунлик.

Аннотация: В данной статье освещаются вопросы обеспечения экологической безопасности, которая является необходимым условием построения государства, становления гражданского общества, а также вопрос обеспечения гармонии науки, образования и производства в этом процессе. Также освещены вопросы гуманизма, гуманизации и толерантности системных отношений «природа-общество-человек».

Ключевые слова: наука, образование, производство, экология, экологическое отношение, глобальная проблема, гармония.

Abstract: This article covers the issues of ensuring environmental safety, which is a necessary condition for building a state, the formation of civil society, as well as the issue of ensuring the harmony of science, education and production in this process. It also covers the issues of humanism, humanization and tolerance of the systemic relations "nature-society-man". **Keywords:** science, education, production, ecology, environmental attitude, global problem, harmony.

Ўзбекистонда ҳукуқий-демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамияти барпо этишнинг зарурий шарти бўлган экологик хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги, шу соҳада фан, таълим ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштирувчи ислоҳотларни устувор давлат сиёсати даражасида амалга оширишга боғлиқдир.



2-ТОМ, 11-СОН

Бошқача қилиб айтганда: фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг уйғун ва мувозанатлашган тизими, фуқаролар моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш ва экологик барқарор ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бир-биридан нисбатан мустақил табиатшунослик, техника, аниқ фанларнинг ижтимоий-гуманитар фан соҳалари ва таълим-тарбия тизими билан интеграциялашуви, моддий ишлаб чиқариш амалиётининг экологик толерантликни муҳофаза қилиш институтлари фаолияти комплекс-системалигини таъминлайди. Уларнинг умумий мақсад доирасида ўзаро интеграциялашуви: ёшларнинг ижтимоий-иктисодий, илмий-техник интеллектуал салоҳияти ривожланиши ва *экологик ижтимоийлашуви* учун шарт-шароит, имконият яратади.

Лекин, уларнинг самарадорлиги: иктиносидиётда юқори “фан сифими” ва малака талаб қиласиган меҳнат соҳалари ривожланишини, касбий маҳоратни муңтазам ошириб боришни, кадрлар мобиллиги ва мослашувчанлигини ўстиришини, уларнинг чуқур таркибий ўзгаришларни, диверсификациясини тақозо қилишдан ташқари, ёшларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига, дунёқараши, эътиқоди, фуқаролик позицияси мустаҳкамлигига боғиқ бўлади.

Шарқ фалсафаси тарихида ҳар томонлама гармоник ривожланган комил инсонни баҳолаш мезонлари, нисбатан универсал маънавий-ахлоқий қадриятлари, уларни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари, педагогик-дидактик “технологияси” яратилган. Уларни умуминсоният экологик толерантлик тамойилларига муносабати нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, комил инсон тушунчаси мазмуни ва моҳияти конкретлашганини кўрамиз¹.

Айнан шундай “инсон сифатларини” шакллантириш вазифаси эса, олий таълим тизимини экологиялаштиришни янда юқори даражасига кўтаришдан иборат бўлиб, унинг асосий шартлари, механизмлари, бизнинг назаримизда, куйидагилардан иборат, яъни:

1) тизимда ўқитилаётган фан стандартларини, дастурларни замонавий экологик ишлаб чиқариш ва педагогик-дидактик фаолиятнинг илғор технологиялари билан интеграциялаштириш;

¹Каранг: Донишманлар одоб-ахлоқ тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1986. 33-б.



2-ТОМ, 11-СОН

2) малакали мутахассислар тайёрлашнинг педагогик-дидактик технологиясини такомиллаштиришда тарихий шаклланган миллий анъаналардан, хориж тажрибаларидан ижодий фойдаланиш;

3) олий таълим тизими профессор-ўқитувчиларининг таълим-тарбия фаолиятида: ташаббускорлигини, меҳнат интизомини, мажбурияти ва масъулиятини ошириш, мавжуд моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш имкониятларини қидириб топиш;

4) олий таълим тизими мақомини мустаҳкамлаш учун университет, академик ва соҳа фундаментал фанларининг экологик толерантлик масаласида ўзаро мувофиқлаштириш жараёни узлуксизлигини таъминлаш;

5) ўз касбини пухта эгаллаган, меҳнат бозорида рақобатбардош, ихтисослиги бўйича жаҳон стандартлари даражасида ишлашга қодир, доимий ижтимоий мобил малакали мутахассисни тайёрлаш миссиясини давом эттирадиган ворисларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, глобал экологик хавфсизлик муаммолари кескинлашиб кетаётган ҳозирги шароитда, таълим-тарбия тамойиллари ва илмий парадигмаларидаги ўзгаришлар: фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши – халқ хўжалигида экологик самарадор нанотехнология, ген модификацияси, ген инженерлиги ва биометрик идентификация усулларидан, янги сунъий конструкцион материаллардан фойдаланиш, энергиянинг янги манбаларини ўзлаштириш, коммуникация ва алоқа воситаларини амалиётга жорий қилишга доир амалий таклифлар беришдан иборат. Бунинг учун, аввало уларнинг назарий-методологик, амалий-праксиологик масалаларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш асосида, устувор стратегик йўналишларини, вазифаларини, истиқболларини аниқлаш зарур.

Умумлаштириб айтганда: **биринчидан**, Ўзбекистон давлат тизими бошқаруви барча бўғинларида экология соҳасига мутасадди мансабдор шахсларнинг конституциявий-қонуний ваколатлари доирасида **толерантлик масъулиятини** ошириш; **иккинчидан**, халқимизнинг табиатни муҳофаза қилиш борасида шаклланган азалий урф-одатлари, қадриятларини қайта тиклаш, ижодий ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш; **учинчидан**, таълим-тарбия жараёнда ўқувчи ва талаба ёшларнинг экологик толерантлигини ривожлантиришга йўналтирилган назарий билимларни, методологик маҳоратни,



2-ТОМ, 11-СОН

амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эришиш; *тўртинчидан*, фуқаролар онгига экологик толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни детерминлаштирувчи тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишнинг техник-технологик, интеллектуал базасини мустаҳкамлаш, давлат экологик сиёсати самарадорлигини таъминлайди.

Бу кўрсатилган вазифалар, мамлакатимизда экологик толерантликни таъминлаш давлат сиёсатининг ташкилий асосларини яратиш вазифаларини, бир-бiri билан боғлиқ икки йўналишда амалга оширишни тақозо қилади, яъни: *биринчи йўналишида* – амалдаги қонунларни ва институционал тизимини доимий такомиллаштириб, уларни амалга жорий қилиш “технологияси” ва механизмларидан экологик толерантлик маданиятини ривожлантиришда самараали фойдаланиш; *иккинчи йўналишида* – миллий ва умуминсоний экологик манбаатларни уйғунлаштиришга мутасадди давлат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар, фуқаролик институтлари фаолиятларини функционал интеграциялаштиришдан иборат. Зоро, уларнинг нисбий мустақиллиги ҳам, бир-бiriни тақозо қилиши ҳам (миллий, минтақавий хусусиятларидан қатъий назар), глобал экологик толерантлик ҳодисасининг объектив асослари ва субъектив омиллари уйғунлигига боғлиқ бўлади.

Хозирги даврда Ўзбекистонда экологик толерантликни таъминлашга мутасадди институционал тизимини ривожлантириш вазифаларини ва истиқболларини аниқлаш, долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, экологик толерантликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий шароити, маънавий-ахлоқий муҳити шаклланиб, ўз ташкилий-техник механизмлари ва йўналишлари “контурлари”ни белгилаб олган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш, атмосфера мусаффолигини таъминлаш ва бошқа ижтимоий-экологик муаммолар ечимиға доир янги сиёсий муносабат формати шаклланмоқда. Унинг моҳияти ва мазмунида минтақа давлатлари мунсабатларида экологик толерантлик, умуман минтақавий низоларни, конфликтларни, зиддиятларни бартараф қилишда тарихий анъаналар умумийлигига, “халқ дипломатияси”нинг маънавий-маданий асосларига, давлатлараро ўзаро ёрдам, ижтимоий шерикчилик тамойилларига боғлиқлигини эътироф этишида намоён бўлмоқда.



2-ТОМ, 11-СОН

Назаримизда, уларни янада ривожлантириш ва амалда реализация қилиш қуидаги вазифалар комплексини бажаришни тақозо қилади, яъни:

- экологик толерантликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг: миллий, миintaқавий, глобал тамойилларига, мезонлари ва хусусиятларига дифференциал ёндашиб, уларни функционал конкретлаштириш;

- жамият, турли ижтимоий бирликлар, шахс экологик толерантличини уларнинг бурчлари, мажбурияти ва масъулиятини оширувчи объектив шартшароитлари ва субъектив омилларини уйғунлашириш;

- давлатнинг барча бошқарув органлари, нодавлат-нотижорат, жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари тизими экологик толерантличини демократлаштириш, эркинлаштириш ва мувофиқлаштириш;

- экологик толерант онг ва маданиятни шакллантиришнинг тарғиботташвиқот усул-воситаларини, технологияларини, трансформация қилиш коммуникацияси ва ташкилий асосларини мукаммаллаштириш;

- экологик толерантликни рағбатлантириш имкониятларини қидириб топиш, ҳуқуқий асосларини демократиялаштириш ва оммавийлаштиришга доир халқаро тажрибалардан ижодий фойдаланиш амалий аҳамиятга эга.

Бу таълимотларда инсоннинг табиат ва жамиятни гуманизм тамойилларига, маънавий-аҳлоқий нормаларга, интеллектуал потенциалга таяниб ўзгартириши, пиравард натижада, цивилизация истиқболини сақлаб қолишида муқобили бўлмаган императив имконият, деган ғоя илгари сурилган. Яъни “бу дунёда факат **янги Гуманизмина** инсон маънавияти имкониятлари трансформациясини, унинг юксак масъулияти даражасига кўтаришга қодир”², деган ғоя таълимот мазмуномоҳиятини ташкил қилади.

²Печеи А. Человеческие качества. М.: Прогресс, 2-е изд. 1985. -С.211.

